

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНЧАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент – 2021**

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент - 2021**

---

**Маржонлар.** Маржонлар Бўстон VII ёдгорлигидан топилган заргарлик буюмларининг асосий қисмини ташкил қилади. Ёдгорликдан жами 1 та маржон-мунчоқлар шодаси, 13 та мунчоқлар донаси, 1 та шокила маржонлар топилган бўлиб, улар асосан ляпис-лазурит, сердолик, ақиқ, каби яримқимматбаҳо тошлар ва бронза (металл), шиша пастаси (*стеклянная паста*) дан ясалган. Маржон – мунчоқ шодалари ва мунчоқлар ясалиш шаклига кўра куйидаги турларга бўлинади: цилиндр, бочка, биконик, квадрат биконик. Шокилалар асосан айлана шаклида ясалган.

**Тўғноғичлар.** Ёдгорликдан ушбу турдаги тақинчоқларнинг 1 та намунаси топилган бўлиб, бронзадан ясалган. бош қисмининг ясалиш шаклига кўра конуссимон қалпоқли тўғноғич ҳисобланади.

**Сирғалар.** Бўстон VII ёдгорлигидан ушбу турдаги тақинчоқларнинг 1 та намунаси топилган бўлиб, бронзадан ясалган. Ушбу сирға айлана шаклда ясалган бўлиб, шокила сирға ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Бўстон VI ва Бўстон VII Сополли маданиятидан бутунлай фарқ қилади, бошқа жиҳатдан унга генетик жиҳатдан боғланган. Маданиятнинг бўстон босқичининг ўзига хослиги, нафақат Сополли маданиятининг дастлабки босқичларининг ўзига хос хусусиятларига қарама – қарши бўлибгина қолмай, балки Сруб ва Андропова урф-одатларини намоён қилишда, ёдгорлик маросимлари ва буюмларида кўчманчи дашт қабилаларига хос элементларининг кўпайиб бориши билан изоҳланади<sup>1</sup>. Албатта биз ушбу таъсири заргарлик буюмларида ҳам кўришимиз мумкин.

\*\*\*

**Аҳмадов Аҳмаджон Асрор ўғли**

Ўзбекистон, Бухоро вилояти

Бухоро давлат университети "Бухоро тарихи" кафедраси таянч доктаранти

**Тешаев Азиз Тўйноқ ўғли**

Ўзбекистон, Бухоро вилояти

Бухоро давлат университети "Бухоро тарихи" кафедраси ўқитувчиси.

[ahmadjon.ahmadov.1995@mail.ru](mailto:ahmadjon.ahmadov.1995@mail.ru)

## **АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “АМИР ОЛИМХОННИНГ ҲУКМРОНЛИК ДАВРИ” РИСОЛАСИДА АМИРЛИҚДАГИ ҲАРБИЙ ТУЗИЛМА ВА АҲҲОН САРБОЗЛАРИ ХУСУСИДА**

XX аср биринчи чорагида Туркистон минтақасида кечган ўта зиддиятли, мураккаб ва чигал тарихий воқеаликлардан атрофлича хабардор бўлишда Абдурауф Фитратнинг илмий-тарихий мероси муҳим аҳамиятга эга. Унинг “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври” номли тарихий-публицистик асари бутун амирлик даври ва XX аср бошларидаги сиёсий, ижтимоий, ҳарбий жараёнлар ҳақида аниқ ва ҳолисона ҳулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бухоро тараққийпарварлари билан Амир Олимхон (ҳукмронлиги: 1910-1920 йиллар) ўртасидаги сиёсий муҳолифат ва камунистик мафкура таъсирида муаллиф манғит амирлари тарихи ҳақида қора рангни меёридан ортиқ ишлатишга, воқеаларни имкон қадар аччиқ ва захарханда тил билан баён қилишга, салбий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилганлиги рисола мантиғидан яққол сезилиб туради. Бироқ, шарқшунос олимнинг ушбу китоби тарихни ҳанузгача “оқ доғлари” бўлиб келаётган саҳифаларини тўлдиришга хизмат қилишини ҳам эътироф қилмоқ керак.

Маскур мақолада А. Фитратнинг юқорида номи зикр қилинган тарихий-публицистик рисоласида Бухоро амирлигидаги ҳарбий аҳвол, қўшин тузилиши, ҳарбийларнинг моддий таъминоти масалалари билан боғлиқ жиҳатларнинг қай йўсинда талқин қилинганлиги тарихий ўрганилиб, шунингдек кейинги татқиқотларда маълумотлар билан қиёсий таҳлили имкон қадар очиб берилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Avanesova N.A. Buston VI – the necropolis of fire - worshippers of preurban Bactria. Samarkand, 2016. P.530.

<sup>2</sup> Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври / (Тожиқчадан Ҳ.Қудратиллаев ўзбекчалаштирган. Сўнг сўз муҳиддиновники) - Т.: “минхож” нашрети.—1991.—64 бет

Китобда амирликдаги “ҳарбий тузилиш<sup>1</sup> масаласи учун алоҳида банд ажратилган”лигини қайд этиб ўтмоқ ўринлидир.

А.Фитрат давлат марказий бошқарув тизимида ҳарбий идора ва қўшиннинг муҳимлигини таъкидлайди. Давлат мустақиллигини сақлаб қолишда мудофа ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган бўлиши, қўшинда қатъий тартиб ва устав асосида тартиб-интизом ўрнатилиши муҳимлиги кўрсатилиб, “биринчи навбатда Абдулахад ҳукумати даврида(ҳукронлиги: 1885-1910 йиллар)Бухоро низомий аскарларининг сони 5-6 мингга етган эди”<sup>2</sup>- деб ёзади. Ҳуқуқшунос олим Ж.М.Шодиев таъкидлаганидек: “амирликда марказий бошқарув қуйидаги асосий идоралар томмонидан амалга оширилган: амир-давлат бошлиғи; қушбеги-бош вазир (амир ёрдамчиси), оталиқ-молия идораси, Вазири ўраб, қозилик маҳкамаси”<sup>3</sup>- муҳим бўғинлар ҳисобланган. Амирликда бош қўмондон “тўпчибоши”<sup>4</sup>- деб аталган(Хива хонлигида – ясовулбоши, Қўқон хонлигида – мингбоши А.А). Аскарлар бир неча идора ва қўмондонликка бўлинганлар. А. Фитрат 1917-1920 йилларда аскарияси фавш(гуруҳлари): “араббачча”, “шербачча”, “турк” гуруҳи, “ғуломбачча”, элнавар, афғон сарбозларикабилардан иборат бўлганлигини кўрсатади, Араббаччалар араб ёшларидан тузилган бўлиб, тўпчибоши Иброҳим (Иброҳимбачча – А.Ф.) идораси ихтиёрига берилганлиги қайд этилган. Профессор А.Фитрат “амир зиндонидан машҳур ўғриларни озод этиб, от ва қурол бериб, уларни “шербачча” деб атаганлигига эътиборни қаратади”. У афғон фуқаролари амирлик ҳудудида турли касблар билан машғул бўлганликлари, кейинчалик Амир Олимхон улардан афғон ҳарбий дастасини тузганлиги, афғонлар амир ва унинг мулозимларига бўйсинмай қўйганлиги учун Когон (Янги Бухоро)даги шўро ҳукумати вакиллари ёрдамида улар қуролсизлантирилиб афғонистонга ўтгазиб юборилганлиги тўғрисида фикрлар билдирган.

Мустақиллик йилларида Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш тарихига бағишлаб ёзилган илмий тадқиқотлар Абдурауф Фитратнинг амирликда XX аср дастлабки ўн йилликларида ҳарбий тузилиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини асосан тасдиқлайди. Ҳақиқатдан ҳам Амир Ҳайдар (ҳукронлиги:1800-1827 йиллар), Амир Насрулло (ҳукронлиги:1827-1860 йиллар) даврларида амирликда шаклланган мунтазам армияни Амир Олимхон 1910-1920 йилларда, яъни сиёсий вазият кескин ўзгариб бораётганлиги туфайли янги гуруҳлар била тўлдиришга ҳаракат қилган. 1917-1920 йилларда Бухоро аскариясининг низоми етти гуруҳдан иборат бўлган. 1.Тўпчилар. 2.Отлиқ казаклар. 3.Шефский. 4.Терский. 5.Араббаччалар. 6.Туркман аравжи. 7.Сарбозлар. Отлиқ казаклар: “қозониский” деб ҳам юритилиб, бундан ташқари амирлик қўшинида ғуломбачча, шербаччалар, элнавар гуруҳлари ҳам бўлган. Сарбозлар ва тўпчилар гуруҳига анча илгари асос солинган.<sup>5</sup> Амирликда афғонлар кўп сонли бўлганлиги, улар тижорат, хунармандчилик, мардикорлик, ошпазлик, қассоблик, оройтунчилик, баззозлик каби касблар билан шуғулланганликларини архив манбаларихам тасдиқлайди. “XX аср бошларида Бухоро амирлиги бекликларида 4 минг нафар афғон фуқаролари умургузаронлик қилиб, 1910-1911 йилларда амирликнинг Бойсун ва Денов бекликларида, тижорат, пахта экиш, мардикорлик қилувчи 300 нафар афғон фуқаролари рўйхатга олинди ва мол-мулклари аниқ ҳисоблаб чиқилди”<sup>6</sup> – деб ёзилади архив ҳужжатларида. А.Фитратнинг Амир Олимхон афғонлардан тузилган ҳарбий гуруҳга таянганлиги билан боғлиқ фикрлари ҳам тарих ҳақиқати бўлиб, Амир Саид Олимхоннинг хотиралари асосида ёзилган “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” рисоласида 1917-1920 йилларда қўшни Афғонистон давлати билан икки давлат ўртасида дўстона муносабатлар бир қадар ривожланиб, амир: “Аъло ҳазрат афғон амири (Омонуллахон – Ж.Ҳ.) дўстликни мустаҳкамлаш йўлида Фазл Аҳмадхонни менга юборди. У икки юз нафар аскар, бир гуруҳ

<sup>1</sup>Фитрат. Ўша китоб. –Б. 35-37.

<sup>2</sup>Фитрат. Ўша китоб. –Б. 35.

<sup>3</sup>Шодиев Ж.Б. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузилиши. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияавтореферати. Тошкент - 2008.- Б.13.

<sup>4</sup>Тўпчибоши лавозими икки поғонада бўлиб, ҳарбий вазир ёхуд бош қўмондон бўлиш билан бирга ҳарбийларнинг моддий таъминоти, кийим – кечаг билан таъминловчилар идораси бошлиғи ҳам шу ном билан аталган.(Туркистон мухторияти даврида озиқ – овқат вазири бўлган Обиджон Маҳмудовнинг отаси кичик тўпчибоши бўлиб XIX аср охирида Бухородан Қўқонга қочиб борганди)

<sup>5</sup>Қаранг. Ҳайитов Ш. Шукруллаев Ю. Бухоро амирлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий унвонлар (1753-1920) // Педагогик маҳорат. – Бухоро. – 2001.№1. - Б.78.

Шукруллаев Ю. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш(1753-1920 йй). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2006. – Б.18.

<sup>6</sup>ЎЗРМДА, И – 126 –фонд, 1 – рўйхат, 5958 – ҳужжат, 18, 23 – varaқлар,240 – ҳужжат, 17 – varaқ, 17 – varaқнинг орқа томони.

оркестр, еттита тўп, еттита филни менга юборди<sup>1</sup>” – деб ёзади ўз хотираларида. Сунги мангит амири ўз фикрини давом эттирар экан, Афғонистон давлати билан “Бир тану бир жон бўлиш учун” дўстлик шартномаси тузилганлигини алоҳида таъкидлайди. Қолаверса, амирнинг совет тузимига қарши кураши пайтида (“Ҳисор экспедицияси” – А.А.) Бухоро мужоҳидлари сафида афғон сарбозлар ҳам бўлган. Уларнинг жанглардан омон қолган қисмлари Амир Саид Олимхон 1921 йил мартада Афғонистон чегарасига ўтиб кетганида унга ҳамроҳлик қилишган. Бухородан Гиждувонга қараб йўлга чиқар экан амирга афғон ҳарбий қозиси (аташшеси) 25 минг нафар афғон хизматчи, аскарлари ва мансабдорлари ҳамроҳ бўлганлигини ёзади.<sup>2</sup>

А.Фитрат ўз рисоласида амирлик ҳарбийларининг маошлари масаласида ҳам фикр билдириб, “Аскарлар аввал ойига 14 танга, кейинроқ 20 танга ҳақ оладиган бўлдилар<sup>3</sup>” – деб ёзади. Мужоҳир ўзбек Муҳаммад Саййид Болжувоний ҳам ўз китобида<sup>4</sup> амирликдаги сарбозлар ва аскарлар 20 танга маош олганлигини айтиб ўтган. Тадқиқотчи Ю. Шукруллаевнинг ёзишича, 1856 йилда оддий сарбоз 20 танга (4 рубль кумуш), ўнбоши 1,5 тилло, юзбоши 6 тилло (24 рубль кумуш), қоровулбеги 4,5 тилло (18 рубль кумуш) панжохбоши 85 танга (17 рубль кумуш) олган. Тўпчибошининг бир йиллик даромади 250 нафар оддий сарбознинг бир йиллик даромадига тенг бўлган<sup>5</sup>.

А.Фитрат рисоласидаги “Ҳарбий тузилиш” қисми “Бухоро ҳукуматининг мустабид Россия ҳукумати билан имзолаган шартномасига муофиқ (1868, 1873 йиллар – А.А.), Бухоро ўзининг тинчлигини ҳимоя қилиш учун 12 минггача аскарга эга бўлиши мумкин эди<sup>6</sup>” – каби фикрлар билан бошланади. Бухоро амирлиги Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлганлиги учун амирликдаги маъмурий ва ҳарбий ишлар истелочилар томонидан қабий назорат остида бўлган. Ҳарбий фавж (гуруҳ) лар таркибий жиҳатдан мустаҳкам кучга эга эмаслиги билан боғлиқ фикрлари истиқлол йилларидаги тарихий татқиқотлар орқали ўз исботини топди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амир Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т.: Фан; 1991. – Б.13.
2. Болжувоний Муҳаммад Саййид. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. Т.: Академия; 2001. – Б.63.
3. ЎзРМДА, И – 126 –фонд, 1 – рўйхат, 5958 – ҳужжат, 18, 23 – варақлар, 240 – ҳужжат, 17 – варақ, 17 – варақнинг орқа томони.
4. Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври / (Тожикчадан Ҳ.Қудратиллаев ўзбекчалаштирган. Сўнг сўз муҳиддиновники) - Т.:”Минҳож”нашрети.1991. – 64 бет
5. Ҳайитов Ш. Шукруллаев Ю. Бухоро амирлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий унвонлар (1753-1920) // Педагогик маҳорат. – Бухоро. – 2001.№1. - Б.78
6. Шодиев Ж.Б. Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузилиши. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияавторреферати. Тошкент - 2008.- Б.13.
7. Шукруллаев Ю. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш(1753-1920 йй). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторреферати. Тошкент – 2006 . – Б .18.

\*\*\*

---

<sup>1</sup>Амир Саид Олимхон .Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Т.: Фан; 1991. – Б.13.

<sup>2</sup>Ўша китоб. – Б. 13.

<sup>3</sup>Фитрат Ўша китоб. – Б.33.

<sup>4</sup>Муҳаммад Саййид Болжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. Т.: Академия; 2001. – Б.63.

<sup>4</sup> Шукруллаев Ю.А. Эслатилган авторреферат... – Б.22.

<sup>5</sup>Шукруллаев Ю.А. Эслатилган авторреферат... – Б.22.

<sup>6</sup>Фитрат. Ўша асар. – Б. 35.

189.	<b>Бозоров А.Х Ҳочиев К.М</b>	САНАДҲОИ МЕЪЁРИЮ ҲУҚУҚИИ ХИСЛАТИ КОНСТИТУТСИОНӢ ДОШТА ДАР ТАЪРИХИ ДАВЛАТДОРИИ ТОҶИКОН	<b>699</b>
190.	<b>Исроилов С.Ш Ҳочиев К.М</b>	ҲОҶӢ ЮСУФ ҲАМЧУН МАОРИФПАРВАР	<b>705</b>
191.	<b>Исроилов С.Ш Ҳовиев К.М Юлдошева Н.Н</b>	ШӢҲРАТИ ҶАҲОНИИ МИРЗО ТУРСУНЗОДА	<b>707</b>
192.	<b>Раҳматуллоев И. Ҳочиев К. Юлдошева Н.</b>	БОЗӢФТИ НОДИР АЗ САРАЗМИ БОСТОНӢ	<b>712</b>
193.	<b>Ҳочиев К.М</b>	ОЛИ СОМОН ДАР ОСОРИ ТАЪРИХИИ ПРОФЕССОР МУХТОРОВ АБДУСАТТОР	<b>717</b>
194.	<b>Катгаева Г.Ч.</b>	СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИНИНГ БӢСТОН БОСКИЧИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ТӢҒРИСИДА ДАСТЛАБКИ МУЛОҲАЗАЛАР	<b>720</b>
195.	<b>Аҳмадов Аҳмаджон Асрор Ӣғли Тешаев Азиз ТӢйнор Ӣғли</b>	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “АМИР ОЛИМХОННИНГ ҲУКМРОНЛИК ДАВРИ” РИСОЛАСИДА АМИРЛИҚДАГИ ҲАРБИЙ ТУЗИЛМА ВА АҒҒОН САРБОЗЛАРИ ХУСУСИДА	<b>726</b>
196.	<b>Аҳмадов Аҳмаджон Асрор Ӣғли</b>	BUXORO VA AFG’ONISTON O’RTASIDAGI KARVON YO’LLARINING SAVDO-SOTIQ MUNOSABATLARIDAGI O’RNI	<b>729</b>
197.	<b>Ғулумшоева</b>	НИГОҲЕ БА ДАСТАРХОНИ МАРДУМИ ВАХОН	<b>732</b>
198.	<b>Ботирова Ҳалима</b>	АГРАР СОҲАДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИ СИЁСАТНИНГ ӢЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.	<b>735</b>
199.	<b>Дуланов Отабек Юлдошевич</b>	СУРХОН ВОҲАСИ ЮЗ (ЖУЗ)ЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИДАГА ӢЗИГА ХОСЛИК ВА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ	<b>737</b>
200.	<b>Ёқубова Диларам Таджиевна</b>	СУРХОНДАРӢ ҲУДУДИДА ПАХТА ЕТИШТИРИШДА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ МАҚСАДИ	<b>740</b>
201.	<b>Зоиров Зариф</b>	ӢЗБЕК МУСИҚАСИНИНГ САНЪАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖОДИЙ ТАҲЛИЛЛАР	<b>742</b>
202.	<b>Каримов Акбар</b>	ЁШЛАРДА МИЛЛИЙЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚАДРИЯТ ҒОЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ	<b>743</b>
203.	<b>Қаршиев Ислон</b>	ӢЗБЕК ҚӢНҒИРОТЛАРИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ӢЙИНЛАРИНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛЛАРИ	<b>746</b>
204.	<b>Маллаев Дилмурод Турсунмуротович</b>	СУРХОН ВОҲАСИ ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ МАРОСИМЛАРИ ВА УДУМЛАРИ	<b>749</b>
205.	<b>Мамаражабов Ғайрат Абдулҳакимович</b>	ӢЗБЕК МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИДА БОЙСУННИНГ ӢЗИГА ХОС УСУЛЛАРИ	<b>751</b>

206.	<b>Назирова Бахтиёр Сафарович</b>	ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СПОРТИНИНГ СУРХОН ВОҲАСИ ҚИЗЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАРИ ВА НАТИЖАЛАРИНИ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ	<b>756</b>
207.	<b>Ахмедов Сардор Сайриддин ўғли</b>	СУРХОН ВОҲАСИ ТОЖИКЛАРИНИНГ ГУРУЧЛИ ТАОМАЛАРИ ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	<b>758</b>
208.	<b>Хасанова Нодира Ибрагимовна</b>	СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ МАФКУРАСИНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ	<b>759</b>
209.	<b>Хатамов Абдивоҳид Бобохонович</b>	ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ МАФКУРАСИДАН ХОЛИ МАДАНИЙ МАРОСИМИМИЗНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШГА ОИД ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР	<b>762</b>
210.	<b>Хидиров Холмамат Джўраевич</b>	СУРХОН ВОҲАСИДА ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР	<b>763</b>
211.	<b>Эшмўминов Озодбек Зиёдулло ўғли</b>	СУРХОН ВОҲАСИГА КўЧИРИЛГАН ФАРҒОНАЛИК АХОЛИНИНГ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ ВА ТУРМУШ ШАРОИТИ	<b>766</b>
212.	<b>МУНДАРИЧА</b>		<b>769</b>



**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. 2021. — 785 с.

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент. – Пенджикент, 2021. – 785 с.

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent. – Penjikent, 2021. – 785 s.

**Нашри илмӣ**

**Мухаррири масъул/Ответственный редактор:**  
Шодмон Воҳидов

**Мухаррир/редактор:**  
Гулпарӣ Шарифова

**Мухаррирони бадеӣ/Художественный редактор:**  
Шодмон Воҳидов,

**Верстка/верстори**  
Шодмон Воҳидов, Аличон Маҳмаёров.

Маводҳои анҷуман дар таҳририяти маҷаллаи “Махзани илм” -и ДОТ дар ш. Панҷакент (ичозатномаи № 0323/рз аз 28 январи соли 2019) ба ҷоп омода карда шудааст.

Нашри ротопринтӣ.

Қоғази офсетӣ. Ҳуруфи Times New Roman Tj. Ҷузъи ҷопии шартӣ 50.

Адади нашр 200.

Ба ҷоп 22.04.2021 имзо шуд. Супориши № 20

